

**Вояга етмаган шахсларга васий ва ҳомий тайинлашнинг ўзига
хос жиҳатлари**

Маълумки, фуқаролик ҳуқуқи ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиб, юридик жиҳатдан тенг бўлган субъектлар ўртасидаги мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга соладиган ва мустаҳкамлайдиган ҳуқуқӣ нормалар йиғиндисидир¹. Мазкур таъриф муаллифлари қайсидир маънода ҳақлар. Аммо, бугунги бозор муносабатлари, фуқаролар ҳуқуқ лаёқати мазмунининг кенгайтирилганлиги каби омиллар фуқаролик ҳуқуқӣ муносабатлар нафақат мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатларда, балки ташкилий муносабатлардан ҳам иборат бўлаётганлигини яна бир бор таъкидлаш ўринли бўларди. Шу маънода, Х.Раҳмонқулов фикрига тўла қўшилиш мумкин: "...фуқаролик қонун ҳужжатлари мулкӣ муносабатлар, мулкӣ муносабатлар билан боғлиқ бўлган шахсий муносабатлар ва мулк билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкӣ муносабатлардан ташқари иштирокчиларнинг тенглик тамойилига асосланган ташкилий-ҳуқуқӣ аҳамиятга эга ижтимоий муносабатларни ҳам тартибга солади"². Демак, бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқида ташкилий муносабатлар ҳам алоҳида ўринни эгалламоқда. Зеро, бусиз мумкин эмас. Биз ушбу чиқиш орқали вояга етмаган шахсларга васийлик ва ҳомийлик тайинлаш билан боғлиқ масала хусусида сўз юритмоқчимиз. Назаримизда, васийлик ва ҳомийлик фаолияти ҳам ана шундай ташкилий муносабатларга тўла асосланади, дейиш мумкин. Чунки васийлик ва ҳомийликни белгилаш, улар фаолиятини назорат қилиш ва бошқалар ўзига хос ташкилий муносабатлардан ҳам иборатдир.

Фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан васийлик ва ҳомийлик институти асосан муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўла лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланса, оила ҳуқуқи нуқтаи назаридан эса асосан муомалага лаёқатсиз (14 ёшга тўлмаган болалар) бўлган ва муомала лаёқати чекланган (14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар,

* ТДЮИ катта ўқитувчиси, ю.ф.н.

** ТДЮИ магистранти

¹ И.Зокиров, Оқюлов, М.Баратов. Фуқаролик ҳуқуқи: саволлар ва жавоблар. -Т.: ТДЮИ. 2003. -5 б.

² Х.Раҳмонқулов. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. -Т.: ТДЮИ. 2003. -10 б.

яъни ўсмирлар) шахсларга нисбатан белгиланиши назарда тутилади.

Васийлик ёки ҳомийликни белгилаш тартиби амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасида “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Низомга биноан васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий тайинлашга муҳтож бўлган шахс яшаётган жойдаги туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Васий ёки ҳомий бўлишни истовчи шахслар васийлик (ҳомийлик)ка олишни расмийлаштириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- васийликка ёки ҳомийликка олувчиларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, яшаш жойи, никоҳдан қачондан бери турганлиги ва уларнинг бирга ёки алоҳида яшаши, оилада фарзандлар бўлса, уларнинг сони ва ёши ва васийлик (ҳомийлик)ка олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликка олиш асослари кўрсатилган ариза;

- шахсни тасдиқловчи ҳужжат;

- турар жойидан оила аъзолари кўрсатилган маълумотлар;

- никоҳ гувоҳномаси (никоҳдан ажралганлик гувоҳномаси) нусхаси;

- иш жойидан иш ҳақи кўрсатилган маълумотнома;

- иш жойи ёки турар жойидан тавсифнома;

- васий ёки ҳомий бўлишни истовчи шахсларнинг соғлиғи тўғрисидаги врачлик маслаҳат комиссиясининг хулосаси, руҳий ва наркологик муассасалари, тери-таносил диспансери маълумотномалари.

Васийлик ва ҳомийлик органи эса ўз навбатида васийликка ва ҳомийликка берилаётган шахс тўғрисида қуйидаги ҳужжатларни тайёрлайди: туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (паспорт) нусхаси; ота-онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳномалар нусхаси ёки ота-онасининг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги ёхуд бедарак йўқолган деб топилганлиги ҳақида суд қарори; ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдан ва таъминотидан бўйин товлаганлиги ҳақидаги ҳужжатлар, ички ишлар, даволаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларнинг болалар ота-онасиз қолганликлари тўғрисидаги далолатномалари; саломатлиги тўғрисида тиббий муассасанинг хулосаси; васийлик ёки ҳомийлик

белгиланаётган шахснинг турар-жой, мол-мулки тўғрисидаги маълумотнома; васийлик ва ҳомийлик органининг болани васийлик ёки ҳомийликка олишни хоҳлаётган оиланинг маиший турмуш шароитлари, оила аъзоларининг саломатлиги ва оиланинг бошқа шароитлари тўғрисидаги текширув далолатномаси.

Оила кодексининг 177-моддасига кўра, боланинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлиб, васийлик ва ҳомийлик органлари унинг: ота-она тарбиясида қолиши бола манфаатларига жавоб бермаслигини; ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф борлигини аниқласа, унга васий ёки ҳомий тайинлайди. Ушбу моддада болани ота-она ихтиёридан фавқулодда ҳолларда олиб қўйиш асослари кўрсатилган³. Бундай ҳолларда бола фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли ҳужжати асосида зудлик билан ота-онасидан ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахслардан олиб қўйилади. Яъни, бундай вазиятларда васий ёки ҳомий тайинлаш учун бир ойлик муддатни қисқартиш мумкин.

Маълумки, фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳамда муомала лаёқатини чеклаш суд қарори асосида амалга оширилади. Шунингдек, бундай шахсларга кимлар васий (ҳомий) этиб тайинланиши суд музокараси ўтказилаётган пайтда ҳал этилади. Масалан, фуқаро С.Д. 1997 йил 23 ноябр куни судга ўз онаси С.Е. 1996 йилдан бери бир неча марта руҳий-асаб касалликлари шифохонасида даволанганлигини ва у сурункали руҳий касалликка дучор бўлганлиги тўғрисида ариза бериб, онасига акасини ёки ўзини васий қилиб тайинлашни сўрайди. “Суд фуқаро С.Е.ни муомалага лаёқатсиз деб топиб, унга васий қилиб ўзининг ўғли С.Д.ни тайинлаш ҳақида қарор чиқаради”⁴.

Васийлик (ҳомийлик) белгиланиши лозим бўлган Ўзбекистон фуқароси чет элда истиқомат қилаётганда ёки чет эл фуқароси ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистонда яшаб турган вақтда унга васийлик (ҳомийлик) белгилашга асослар вужудга келиши мумкин. Бундай ҳолларда, яъни васийлик ва ҳомийлик муносабатлари чет эл элементи билан мураккаблашганда, халқаро хусусий ҳуқуқ меъёрлари татбиқ этилади. Фуқаролик кодексининг 1168-моддасига кўра жисмоний шахс қайси мамлакатнинг фуқароси бўлса, шу мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади; фуқаролиги

³ Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига шарҳлар. -Т.: Адолат. 2000. -329 б.

⁴ И.Зокиров, М.Баратов. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. -Т.: Адолат. 1998. -35 б.

бўлмаган шахс қайси мамлакатда доимий яшаб турган бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари-муомалага лаёқатсизлар ёки муомала лаёқати чекланган вояга етган шахслар қайси мамлакатда яшаб турган бўлса, ушбу давлатнинг тегишли қонунларига биноан суд тоомнидан васийлик ёки ҳомийлик тайинланади. Бу ҳақда ФКнинг 1174-моддасида шундай дейилган: вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсизлар ёки муомала лаёқати чекланган вояга етган шахслар устидан васийлик (ҳомийлик) суд қайси мамлакатга тегишли бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади ва бекор қилинади.

Бунда фарзандларга ва “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Низомнинг “в” бандида кўрсатиб ўтилган шахсларга пенсия улар боқувчининг қарамоғида турган-турмаганлигидан қатъи назар тайинланади. Марҳум қарамоғида турган деб ҳисоблаш учун ушбу оила аъзоларининг марҳумнинг тўлиқ боқувида бўлиши ёки ундан ёрдам олиб турган бўлиши ҳамда асосий кун кечириш маблағининг бўлиши лозим. Шуниси эътиборлики, ўқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг маблағи бўлмаганда ёки мавжуд маблағлари ўзининг таъминоти учун етарли бўлмаган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи ушбу маблағларни қоплайди.

Шу ўринда амалдаги Ўзбекистон Республикасида “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Низомни қонун даражасига олиб чиқишнинг мавриди келганлигини айтмоқчимиз. Тўғри, амалда Низом жуда яхши ишламоқда, вужудга келган муносабатларни тартибга солишда ва мустаҳкамлашда муҳим манба бўлиб қолмоқда. Аммо, у қонун ости ҳужжати даражасидадир. Шуниси эътиборга олиб, “Ўзбекистон Республикасининг Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз. У икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм васийлик ва ҳомийлик органлари, уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари, уларнинг қарори ҳамда васий ва ҳомийнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш, васийлик ва ҳомийлик ишларини юритиш тартиби, иккинчи қисмда васийлик ва ҳомийлик ҳақида умумий қоидалар, васий ва ҳомийларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийликни белгилаш тартиби,

васий ва ҳомийлар фаолиятини назорат қилиш, васийлик ва ҳомийликни тугатилиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.